



ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ШАРОИТИДА ҲУДУДИЙ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ БЎЛИНМАЛАРИ ҲАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Агзамов Фарход Акмалович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
тинглаовчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20674904>

Оммавий тартибсизликлар жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи энг хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва оқибатлари давлатнинг барқарор ҳаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаолиятида оммавий тартибсизликларнинг сабаблари, шарт-шароитлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Айниқса, оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув ҳаолиятининг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун мазкур ҳодисанинг ижтимоий ва ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Юридик фанларда оммавий тартибсизликлар тушунчаси криминология, жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаолияти назарияси ҳамда ижтимоий психология нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Мазкур йўналишда илмий изланиш олиб борган олимлар орасида В.Н.Кудрявсевнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. У ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилар экан, ҳар қандай жамоавий ҳуқуқбузарлик муайян ижтимоий зиддиятлар таъсирида шаклланишини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари жамиятда мавжуд иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиш шакли сифатида турли хил ҳуқуқбузарликлар, жумладан оммавий қонунбузилишлар юзага келади.

В.Н.Кудрявсев ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бағишланган тадқиқотларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаолиятининг асосий вазифаси жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин айбдорни аниқлаш эмас, балки ҳуқуқбузарликка олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат эканлигини асослаб берган. Ушбу илмий ёндашув оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари ҳаолиятининг мазмунини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки оммавий тартибсизликлар аксарият ҳолларда бир вақтнинг ўзида юзага келмайди, балки маълум вақт давомида





шаклланадиган ижтимоий жараёнларнинг натижаси ҳисобланади. Демак, тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири аҳоли ўртасидаги ижтимоий кайфиятни, турли зиддиятларни ва ҳуқуқбузарликларга моил омилларни барвақт аниқлашдан иборат бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг юзага келиш шароитлари ўртасида фарқ мавжуд. Сабаблар ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи асосий омиллар бўлса, шарт-шароитлар мазкур сабабларнинг намоён бўлишига имкон яратадиган муҳитни ташкил этади. Ушбу фикр оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш механизмларини таҳлил қилишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Чунки амалиётда оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар турлича бўлиши мумкин. Масалан, ижтимоий норозилик муайян сабаб сифатида намоён бўлса, ахборот тарқатиш воситалари ёки ташкилий камчиликлар ушбу норозиликнинг оммавий ҳаракатларга айланиши учун шарт-шароит вазифасини бажариши мумкин.

Оммавий тартибсизликларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятларини тадқиқ этган олимлардан яна бири А.И.Долгова ҳисобланади. Унинг фикрича, оммавий тартибсизликлар жиноятчиликнинг мураккаб шаклларида бири бўлиб, улар нафақат ҳуқуқий тартиботга, балки давлат бошқаруви тизимига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин. Олим оммавий тартибсизликларни кўп сонли шахсларнинг жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган фаол ҳаракатлари сифатида баҳолайди ҳамда уларнинг асосий белгиси уюшқоқлик ва оммавийлик эканлигини таъкидлайди.

А.И.Долгованинг қарашларида оммавий тартибсизликларнинг криминологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг таъкидлашича, оммавий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида ижтимоий тенгсизлик, аҳоли муайян қатламларининг норозилиги, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги ва ташқи таъсир омиллари муҳим ўрин тутди. Бу эса оммавий тартибсизликларга қарши курашиш фақат куч ишлатиш чоралари билан чекланмасдан, уларни келтириб чиқарувчи омилларни комплекс таҳлил қилишни талаб қилишини кўрсатади.

Назаримизда, оммавий ҳуқуқбузарлик муайян тайёргарлик жараёнига эга бўлиб, мазкур босқичда тегишли профилактик чоралар кўрилса, унинг оғир оқибатларининг олдини олиш мумкин. Бу хулоса оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг профилактик аҳамиятини назарий жиҳатдан асослайди.






Оммавий тартибсизликларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этган олимлардан бири Ю.М.Антонян ҳисобланади. У оммавий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида инсон психологияси ва оммавий ҳуқ-атвор омилларига алоҳида эътибор қаратади. Олимнинг таъкидлашича, омма таъсири остида инсоннинг шахсий масъулият ҳисси маълум даражада пасаяди ва у мустақил ҳолатда амалга оширмайдиган ҳаракатларни содир этиши мумкин.

Оммавий тартибсизлик иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, уларнинг кўпчилиги дастлаб жиноий мақсадни кўзламаслигини, бироқ оммавий таъсир натижасида ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига кўшилиб кетишини таъкидлайди. Бу ҳолат оммавий тартибсизликларнинг криминологик хусусиятларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нафақат ташкилотчиларни, балки оммавий таъсирга тушиб қолган иштирокчиларни ҳам ажрата билиши лозим.

Бундан ташқари, оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишида ахборот таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли миш-мишлар, тасдиқланмаган маълумотлар ва ҳиссий таъсирга эга хабарлар оммавий кайфиятни кескинлаштириши мумкин. Замонавий шароитда мазкур фикр янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки ижтимоий тармоқлар ва интернет платформалари орқали ахборот тарқатиш имкониятларининг кенгайиши оммавий кайфиятнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу эса оммавий тартибсизликларнинг дастлабки белгилари ва хавф омилларини барвақт аниқлашда тезкор-қидирув бўлинмалари зиммасига янги вазифалар юклайди.

Оммавий тартибсизликлар шароитида ҳудудий ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш учун, аввало, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий табиати ва унинг давлат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги ўрнини таҳлил қилиш зарур. Зеро, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган чоратadbирлар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектлар фаолиятидан ўзининг мақсади, вазифалари, усуллари ва ташкилий шакллари билан фарқ қилади.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган К.К.Горяинов мазкур фаолиятни давлатнинг махсус ваколатли






органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш мақсадида амалга ошириладиган махсус ҳуқуқий фаолият сифатида баҳолайди ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос хусусияти унинг яширин ва очиқ усулларни бир вақтнинг ўзида қўллаш имкониятига эга эканлиги билан белгиланади . Бу ҳолат айниқса оммавий тартибсизликлар шароитида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай вазиятларда ҳуқуқбузарликларни ташкил этаётган шахслар ва гуруҳлар ўз мақсадларини ошкора намоён этмасдан, муайян тайёргарлик жараёнларини яширин тарзда амалга оширишга ҳаракат қилади.

Ушбу назарий ёндашув оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ вазиятларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки оммавий ҳуқуқбузарликлар аксарият ҳолларда муайян ижтимоий жараёнлар таъсирида шаклланади ва уларнинг дастлабки белгилари жамоатчилик учун сезилмаслиги мумкин. Шу боис тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан турли манбалардан олинаётган ахборотларни тизимли таҳлил қилиш хавфли жараёнларнинг ривожланишини олдиндан прогноз қилиш имконини беради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий моҳиятини тадқиқ этган олимлардан яна бири С.С.Алексеевнинг фикрича, давлатнинг ҳар қандай ҳуқуқий фаолияти муайян ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади ва мазкур механизмларнинг самарадорлиги ҳуқуқий тартибга солиш даражаси билан белгиланади . Бу нуқтаи назардан қараганда, тезкор-қидирув фаолияти ҳам аниқ ҳуқуқий асосларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши хавфи юзага келиши мумкин.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга келтириш ва уларнинг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлайди. Ушбу ёндашув оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳам давлат органлари фаолиятининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Демак, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ўртасидаги мувозанат сақланиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятининг назарий асосларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган олимлардан бири А.Х.Саидовнинг






фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг замонавий фаолияти профилактика, таҳлил ва прогнозлаш тамойилларига асосланиши лозим. Олим жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлигини таъминлаш учун ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Фикримизча, оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг мазмунини белгилашда муҳим назарий аҳамиятга эга. Чунки бундай шароитларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси фақат содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш билан чекланмайди. Аксинча, уларнинг асосий мақсади ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин бўлган хавф омилларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига йўл қўймасликдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жинойтларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш, шунингдек қидирувдаги шахсларни топиш белгиланган. Ушбу вазифаларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти жинойтчиликка қарши курашишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мазкур қонун нормалари таҳлили шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий хусусияти унинг профилактик йўналтирилганлигида намоён бўлади. Чунки қонунчиликда жинойтларнинг олдини олиш вазифаси биринчи навбатда белгиланган. Бу ҳолат оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабабларини барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш зарурлигини англатади.

Шу билан бирга, оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти ахборот-таҳлилий хусусиятга ҳам эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларнинг аксарияти ҳақидаги маълумотлар дастлаб турли манбалар орқали тарқалади. Мазкур маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ишончилигини баҳолаш тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда тезкор ахборотларни қайта ишлаш, уларни таққослаш ва таҳлил қилиш орқали эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаш имконияти юзага келади.





Юқоридаги назарий қарашлар ва миллий қонунчилик нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий мазмуни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни барвақт аниқлаш, хавф манбаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий ҳамда ахборот-таҳлилий чора-тадбирларни амалга оширишда намоён бўлади.

Оммавий тартибсизликлар шароитида ҳудудий ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги, биринчи навбатда, уларнинг хизмат кўрсатаётган ҳудуд хусусиятларини чуқур билиши, криминоген вазиятни тўғри баҳолаш олиши ва мавжуд хавфларни олдиндан прогноз қилиш қобилияти билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан тезкор-қидирув фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилишда ҳудудий омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий, иқтисодий, демографик ва маданий хусусиятлари ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига ҳамда жамоат хавфсизлиги ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

В.П.Малков жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳудуднинг криминоген ҳолатини тўғри баҳолаш билан боғлиқлигини таъкидлайди . Олимнинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган профилактик ва тезкор тадбирлар муайян ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган тақдирдагина юқори самара беради. Мазкур фикр оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бундай вазиятларда аҳолининг ижтимоий кайфияти, турли гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, ҳудуднинг иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллар ҳуқуқбузарликларнинг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатиши мумкин.

Бизнингча юқоридаги олим қарашларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан ҳудуддаги криминоген вазиятни мунтазам мониторинг қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун аҳоли ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқбузарликлар динамикаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда бошқа ахборот манбалари таҳлил





қилиниши лозим. Бундай ёндашув оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли жараёнларни барвақт аниқлаш имконини беради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда таҳлилий ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Д.А.Керимовнинг ҳуқуқ методологиясига оид қарашлари муҳим назарий аҳамият касб этади. Олим ҳуқуқий фаолиятни ташкил этишда тизимли таҳлил ва илмий ёндашув устувор аҳамиятга эга эканлигини ҳамда ҳар қандай ҳуқуқий қарор чуқур таҳлил қилинган маълумотларга асосланган бўлиши лозим. Акс ҳолда қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги пасайиши мумкин .

Ушбу ёндашувни оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув фаолиятига татбиқ этганда, тезкор маълумотларни йиғишнинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлади. Энг муҳими, мазкур маълумотларни таҳлил қилиш, ўзаро таққослаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш ҳисобланади. Масалан, муайян ҳудудда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган ҳолатлар, турли ижтимоий тармоқларда тарқалаётган чақириқлар ёки жамоатчилик фикрида кузатилаётган ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилингандagina реал хавф даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Керимов ҳуқуқий жараёнларнинг самарадорлиги ахборот билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ишончли ахборотлар базасини шакллантиришдан иборат. Чунки оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ вазиятларда ахборотнинг тезкорлиги ва ишончилиги қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилигини таъминлайди.

Тезкор-қидирув фаолиятида ахборот билан ишлаш масалаларини тадқиқ этган олимлардан бири Р.С.Белкин ҳисобланади. У криминалистик таъминотнинг аҳамиятини таҳлил қилар экан, ҳар қандай ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолаш жараёни ётишини таъкидлайди .

Белкиннинг мазкур қарашлари оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки бундай вазиятларда қарор қабул қилиш учун ажратилган вақт чекланган бўлиб, тезкор маълумотларни ўз вақтида олиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан





ахборот манбаларини диверсификация қилиш, турли манбалардан олинган маълумотларни солиштириш ва уларнинг ҳаққонийлигини текшириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.


Белкиннинг фикрича, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш эҳтимолини баҳолаш ва уларнинг ривожланиш йўналишларини олдиндан аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур ёндашув оммавий тартибсизликлар шароитида тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки хавфли вазиятларни прогноз қилиш орқали уларнинг оғир оқибатларининг олдини олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат фаолиятининг асосий мақсади сифатида белгиланган. Шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар изчил такомиллаштириб борилмоқда. Бу эса тезкор-қидирув бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда қонунийлик, инсонпарварлик ва фуқаролар ҳуқуқларига ҳурмат тамойилларига қатъий риоя этишни тақозо этади.

Юқорида келтирилган назарий қарашлар ва ҳуқуқий асослар таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий тартибсизликлар шароитида ҳудудий ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти кўп қиррали ва мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг самарадорлиги ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиш, криминоген вазиятни мунтазам таҳлил қилиш, ишончли ахборотлар базасини шакллантириш ҳамда илмий асосланган прогнозлаш усулларида фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган тезкор-қидирув фаолияти жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Кудрявцев В. Н. Причины правонарушений. – М.: Наука, 1976. – 118 с
2. Кудрявцев В. Н. Причины правонарушений. – М.: Наука, 1976. – 287 с
3. Долгова А.И. Криминология : учебник для вузов. – М.: Норма, 2018. – 1008 с
4. Долгова А. И. Криминология : учебник для вуз. – М.: Норма, 2018. – 1017 с
5. Антонян Ю.М. Криминология : учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2019. – 388 с.





6. Антонян Ю.М. Криминология : учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2019. – 245 с.
7. Горяинов К. К., Овчинский В. С., Сенилов Г. К. Теория оперативно-розыскной деятельности. – М.: Норма, 2009. – 832 с.
8. Алексеев С. С. Теория права. – М.: БЕК, 1995. – 320 с.
9. Саидов А.Х. Давлат ва ҳ назарияси. – Т.: Адолат, 2018. – 688 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/2107763>. мурожаат вақти: 09.06.2026.

